

«Сени кесганни кесишимга, сени боғлаганни боғлашимга рози бўласанми?» дейди».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлик алоқалари ҳар бир мўмин-мусулмон учун қанчалар аҳамиятга эгаллигини ажойиб услуб билан баён қилмоқдалар.

«Раҳм» «Раҳмон»дан олингандир».

Аллоҳнинг исми Раҳмондир. У Зотнинг ушбу сифатидан раҳмга «раҳм» деб исм қўйилган.

«Раҳмон» – улуғ неъматларни берувчи.

«Раҳмон» сифати барчага – кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи деган маънони англатади.

Шундай экан, қариндош ким бўлишидан қатъи назар, мўминми ёки ундай эмасми, унга бошқа қариндошлари меҳрибон бўлишлари ва Аллоҳ таоло уларга берган неъматлардан беришлари лозим бўлади.

Ундай бўлмаса, раҳм Раҳмон сифатли Аллоҳ таолога қуйидаги нидони қилади:

«Ё Роббим! Мен зулмга қолдим. Мен кесилдим. Ё Роббим! Менга ёмонлик қилинди», дейди».

Яъни бачадон – қариндошлик алоқалари: «Ё Роббим, менга зулм қилинди, яъни қариндошларим менга қарамай қўйишди. Мен кесилдим, мен учун қилинадиган алоқалар узилди. Ё Роббим, менга ёмонлик қилинди», дейди. Шу тариқа Аллоҳ таолога арз ва шикоят қилади.

«У Зот унга жавобан: «Сени кесганни кесишимга, сени боғлаганни боғлашимга рози бўласанми?» дейди».

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло раҳмнинг гапига жавоб бериб:

«Сендан алоқани узгандан Мен ҳам алоқани узайми? Шунга рози бўласанми? Қариндошлик алоқасини тиклаганга Мен ҳам шафқат қилайми? Шунга рози бўласанми?» дейди.

Демак, қариндошлик алоқаси шу даражада улуғ нарса эканки, уни кесмаслик, узмаслик, қариндошларга ёмонлик қилмаслик ва доимо фақат яхшилик қилиш керак. Чунки қариндошлик алоқасини боғлаб турган киши

айнан шу иш билан Аллоҳ таолога боғланиб турган бўлади ва Унинг раҳматидан ҳар қанча умидвор бўлишга ҳақли ҳисобланади. Аксинча, қариндошлик алоқасини кесган кишидан Аллоҳ таоло ҳам алоқасини узади ва бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан йироқ бўлади.

Бу жуда муҳим нарсa. Ҳар бир мўмин, ҳар бир мусулмон бу ҳақиқатни яхши билиши, тушуниб етиши ва унга амал қилиши лозим ва лобуддир.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.